



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 юлдан
чиқи бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (11.827)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

Харидор талаб ва эҳтиёжини қондираётган маҳсулотлар, албатта ишлаб чиқариша замонавий технологияларни кўллаш, юқсан унумли хорижий техник ускуна ва дастгоҳлар кувватидан унумли фойдаланиш самараси эканлигин тадбиркорларимиз ўз меҳнат фаолиятларида яққол кўришмоқда.

Шу боис ҳам иқтисодигизимиз ривожига муносиб хисса кўшига аҳд қилган, корхоналари истиқболини таъминлашга интилган ишбилармонлар ишлаб чиқариши модернизация килиш, цехларни техник ва технология жиҳозлаш ишларига катта эътибор қаратишган. Бу эса ички ҳамда ташки бозорда харидорни топаётган халқаро андозаларга мос маҳсулотлар тайёрлашда, мамлакатимиз иқтисодигизимиз барқарорлигин таъминлашда мухим аҳамият касб этмоқда. Шунинг баробарида ички бозоризига четдан келтириладиган маҳсулотлар камайиб, улар ўрнини импорт ўрнини босувчи маҳаллий товарлар эгалламоқда. Энг мухими эса улар кўришини, сифати, ўрлаши ва қадокланиши билан хорижий маҳсулотларидан аслолиқлимида ҳамда ракоатлаши олади.

Буни кейнинг йилларда ўзига хос ютувларга эришаётган мебелсозликда ҳам яққол кўриш мумкин. Мебелсозларимиз излашиш ва сайды-харакатлари ўз самарасини берадигани маҳсулот турларида, дизайнни ва рақобатбардошлигига, ҳар қандай буюртманинг тез ва суз удуданишида аксими топмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатадиган «Тошкентме-

бель» маъсулития чекланган жамиятида ишлаб чиқариётган мебель маҳсулотлари ҳам бугунги кун талабларига жавоб берниши билан ички бозорда ўрнига эга бўлса, айни пайтда юқори сифати мебель турларини кўшини давлатларга сотиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бунинг учун эса режа асосида корхоналарнинг ишлаб чиқариш цехлари қайта жиҳозланмоқда, хорижий технологик линиялар келтириб ўрналимоқда. Бу албатта мебеллар кўрнишини талабларга мослашда, турлари ортишида, сифати юқорилашида кўзга ташланяпти. Ўтган йилларда Италия, Хитой ва бошқа давлатлардан келтириб ўрнатилган юқори унумли дастгоҳ ва ускуналар мебелсозларнинг кўзлаган мақсадлари ижросини таъминлашда кўл келаяпти.

Корхонада кўплаб малақали мебелсозлар жамланган бўлиб, кейинги йилларда цехларнинг кенгайтириши боис ёшлар учун янги иш ўрнилари ҳам яратилди. Тажрибага эга бўлган усталир ёшларга хунар сирларини эринмай ўргатишмоқда. Ёшлар ҳам маҳорат билан излашишмоқда. Натижада янги дизайндаги маҳсулот турлари харидорга манзур бўлиб, хонадонларга файз бағишишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳакимжон Солихов
олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА НАТОНИНГ ЎРТА ОСИЁДАГИ МУҲИМ ШЕРИГИДИР

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб мамлакатда демократик жамият асосларини янада мустаҳкамлашга ва ҳалқаро майдонда ўз нуфузини юксалтиришга қаратилган самарали изчил ички ва ташки сиёсат юритиб келинмоқда. Айнан шу мақсадда мамлакатимиз дунё давлатлари билан бир қаторда нуфузли минтақавий ва ҳалқаро тузилмалар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни кенгайтиришга иштилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ўз манфаатларига мос бўлган ҳар томонлама фаол ҳамкорликни йўлга кўйган бундай ташкилотлар қаторига Европа Иттифоқи ва НАТОни кириши мумкин. Ўзбекистон билан ушбу нуфузли ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини сиёсий мулокот, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар алоқалар, шунингдек, минтақавий ва экологик ҳафзисизликни таъминлаш масалалари ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларнинг ижроси самарадорлигини янада оширишга бағишишланган давре сұхбати бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛANIШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари, тегиши вазирлик ва идоралар, агентликлар, қўмиталар, илмий-техник ва инновацион тадқикот марказларининг вакиллари, олимлар, эксперлар, олий талим мусассалари профессор-юқитувчилари иштирок этди.

Олий Мажлис Конунчилик палатаси Сликерининг ўринbosari И.Саифназаров, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошибдиригани имий-техник ва маркетинг тадқикотлар маркази директорининг ўринbosari X.Ҳасанов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига жамият хаётининг барча жабхаларини ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларидан кенг фойдаланиши жорий этишга алоҳида таъминлаштиришга кўзлаштиришга иштирок этди.

Мамлакатимизда электрон рақамли имзони кўллаш милий инфратузилмаси шаклланди ва бу изчил ривожлаби бўрмоқда. Бу борадаги конунларнинг амалиётига кенг татбиқ этилиши бошқарув тизимида, ахборот алмашишда, электрон тўловларни амалга оширишда, солиқ ҳисоботларни электрон шаклда топширишда мухим аҳамият касб этаётir. Айни пайтда электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш

Назоқат УСМОНОВА,
ЎЗА мухабири

✓ «КАМОЛОТ» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёш дизайн-модельерлар ўртасида «Тўрт фасл нишонаси» кўрик-танлови ўтказилди.

XXI садоси
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Хабар берилганидек, 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республика ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг мухим устувор вазифалари бағишишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мъэрза қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг тақлифига биноан 2011 йил 24 январь куни Брюсселга ташриф буюди.

• Қашқадарё вилояти ҳокимлигига Болаларни ёзи согломлаштириш ва дам олдириш доимий комиссиясининг 2010 йилда согломлаштириш мавсуми якуни ва 2011 йилдаги вазифаларга бағишишланган йигилиши бўлиб ўтди.

• Тўрткўллик тадбиркор Рахмонбердин Аллаберганов саъй-ҳаракати билан банкнинг 15 миллион сўмлик кредити эвазига «Тўрткўл-мөърж» корхонаси ишга туширилди. 5 киши меҳнат килаётган корхонада ўтган кисқа муддат ичада 30 миллион сўмликдан ортиқ кишлек хўжалик маҳсулотлари қайта ишланаб, савдо шоҳобчаларига етказиб берилди.

• Нукусда «Иффатли келин» ўқув марказининг филиали ўз фаолиятини бошлади. Ҳозир бу ерда 500 нафардан зиёд хотин-қизга бичиш-тиши, пазандалик, сартарошлик каби 21 йўналиш бўйича касб-хунар ўргатилмоқда.

• Учкудуқ шаҳридаги «Айтим» маҳалла фуқаролари йигини идораси янги бина фаолиятни бошлади. Бу ерда «Айтинау-курилиш» корхонаси бунёдкорлари 105 миллион сўмликдан ортиқ курилиш-монтаж ишларини амалга оширилди.

• Китоб туманидаги «Ҳасанов Шоҳнур Қоқиевич» хусусий корхонасида боғорчилик ва узумчилик маҳсулотлари учун мўлжалланган пластмасса идишлар ишлаб чиқаришга амалга ошириш учун «Алоқабанк»нинг 25 минг АҚШ долларилик кредитидан самарали фойдаланилди. Ҳозир корхонада кунига 1,5 тоннагача маҳсулот тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Португалияда бўлиб ўтган биринчи тур президент сайловларида 53,1 фоиз овоз олган амалдаги давлат рахбари Анибал Кавако Сильва кейинги муддатга қайта сайланди. Унинг асосий рақиби эса 19 фоиз овоз билан кифояланди.

• Косовода ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан герон гиёвандлик маддасининг йирик туркумини яширичка олиб кетаётган шахслар кўлга олинди.

• Австралияниг шимоли-шарқий кирғоғига «Энтони» тропик бўруни хуруж килди.

• Кече Тунисда минглаб одамлар жорий этилган комендантлик соатига риоя қилмасдан намойишга чиқиб, баш вазирининг истефога чиқишини талаб этдилар.

• Кече Тожикистонда Рихтер шкаласи бўйича 6,1 балли зилзила содир бўлди.

• Кече АҚШнинг Детройт шаҳрида но маълум киши томонидан полиция участкасида ўтичиши натижасида тўрт нафар полициячи яраланди. Жиноятчи эса йўқ килинди.

• NASA маълумотига кўра, Америка-нинг дастлабки нано сунъий йўлдоши кинотга мувafferиятили парвозди қилди.

• Хитой пойтакти Пекин шаҳрида дунёдаги энг катта бино курилиши режалаштирилмоқда. Ушбу бино баландлиги бўйича Бирлашган Араб Амирликларида «Буюк Ҳалифа» иншооти (828 метр) дан ҳам юқори бўлди. Унинг таркибидан 7 юлдузли межмонхона, савдо ва согломлаштириш маркази ҳам жой олади. Қурилиш ишларини Саудия Арабистони молиялаштиришини билдири.

• Таникли Голливуд актёри Арнольд Шварценеггер яна кино санъатига қайтиши мумкин. Бунга сабаб Калифорния штати губернаторлиги лавозимида ишлаган Шварценеггернинг етти йиллик ваколат муддати нюхоясига етганидир. Эндиликда у фильмларда роллар ижро этиш билан бирга, атроф-муҳитнинг глобал исиши масалалари билан ҳам шуғулланади.

**ҚИСКА
САТРЛАРДА**

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз мухобирилар
хабарларидан

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидаги Мирзо Улуғбек туманинг 71-мактабда табиии оғатларнинг олдини олиш, ҳаёт хавф-сизлиги асослари мавзууда навбатдаги ўкув семинари бўлиб ўтди.

✓ **ЯККАСАРОЙ** туманинг 26 ва 172-мактабларда Тошкент давлат Педагогика университети, «Камолот» ЁИХ, Маянвият тарғибот маркази ва ҳалқ таълими бўлимлари ҳамкорлигига кийиниш маданияти мавзууда давра сұхбати ўтказилди.



Оқ күнгилдек пага-пага қор,
Шахрим күчаларин безайди сокин.

Архивлар фаолиятидан

ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги пайтларда архив соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда. Ҳозирда республикамида 3 та марказий давлат архиви, Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, Тошкент шаҳар, вилоят, туман, туманлараро давлат архивлари фаолият юритмоқда. Мазкур архивлар турли ташкилотларга, юридик ва жисмоний шахсларга ваколати доирасида ўз хизматларини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архиви ҳам шулар қаторидан фаолият юритиб келмоқда.

Мазкур архив 1962 йилда фаолият бошлиган бўлиб, унинг ташкили этилишидан асосий мақсад тиббиёт хужжатлари, турли касалликлар тарихини ўрганиш, йўқ бўлиб кетган касалликлар ҳақидаги хужжатларни сақлаш ва қабул килиш, келажак авлоднинг бу хужжатлардан фойдаланишлари, илмий ишлар, монографиялар ёзишига имконият яратишидир. Архив дастлаб кичик таркиб билан фаолият юритган. 1965 йилда техник бўлим тузилиб, ходимлар сони ошган.

2002 йилда Ўзбекистон Республикаси илмий-техникавий ва тиббиёт хужжатлари марказий давлат архивининг 40 йиллиги нишонланди. Шу йиллар мобайнида архив томонидан 55 та шабабуси ахборот, 1540 та ижтимоий-хуқуқий сўровлар, 235 та мавзули сўровлар, 65 та кўргазмалар, 73 та радио, 7 та телекўрстув, 77 та мақолалар тайёрланди, 400 та тадқиқчила гузимат кўрсатди.

Ҳозирги кунда архивда факат хужжатлар саклаш эмас, балки улардан оқилона фойдаланиш йўллари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Масалан, 2008 йилдаги КОICA грантини олишимиз мумкин. Ушбу грантдан фойдаланган ҳолда замонавий техникавий курилмалар ёрдамида хужжатлардан оқилона фойдаланиш ва муројат қиливчи шахсларга қуялайк яратиш максадидан архивда кидирив тизими йўлга қўйилмоқда. Ушбу тизим орқали архивда сакланни келинайтган хужжатларни зарар етаслигига эришиш, керакли хужжатларни нафакат архивга келиб кидириш, балки интернет орқали ҳам уларни топиб фойдаланиш мумкин бўлади.

Архивлар фаолиятига қартилаётган катта эътиборнинг меваси ўларо 2010 йил 15 ионда "Архив иши тўғрисида" ги янги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 36 та моддадан иборат бўлиб, архивларни шакллантириш, хужжатларни саклаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси архив муассасалари фаолиятини тартибга солиша каратилган. Қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив хужжатларини тўлиқ камраб олишига, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив Фондининг ялгизлигини саклаб колишига ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эътиёжларини кондириш максадидан архив хужжатларни хисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишининг ягона тартибини белгилашга хизмат киласди.

Ҳозирги кунда архивда 520 га яқин турли корхона ва ташкилотларнинг шахсий таркиб хужжатларни сакланмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз ривожига саломкли хисса кўшган фан арбобларининг шахсий хужжатлари ҳам мавжуд. Архив 341 та фонд, 250000 та саклоқ бирлигига эга.

Бугунги кунда архив ходимлари билимлари ва кучларини мазкур ноёб хужжатларнинг сакловини таъминлаб, келажак авлодга тўлиқ етказишдек ишга сарфлаб келмоқдалар.

**Нодирбек ЗУХРИДДИНОВ,
илмий-техникавий ва
тиббиёт хужжатлари
марказий давлат архиви ходими**



Қатарда бўлиб ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионати ҳал қўлувчи паллага кирди. Ўтан жума, шанба кунлари гуруҳдаги саралаш босқичидан ўтган энг кучли жамоалар ўртасида чорак финал беллашувлари бўлиб ўтди.

Осиё чемпионати — 2011

ЧАРМ ТЎП УСТАЛАРИМИЗ — ЯРИМ ФИНАЛДА!

Ха, юртимиз футбол ишқибозлари бу онларни орзигиб кутган эдилар. Яны Доҳадаги "Халифа" стадионидаги ўтказиладиган Ўзбекистон — Иордания учрашувида футбольчиларимиз илк бор чемпионатнинг ярим финалига чишиш учун катта имкониятларга эга эдилар. Зоро, Иордания жуда кучли рақиблар сирасига кирмайди, бунинг устига турли сабабларга кўра жамоанинг тўрт нафар асосий таркибдаги ўйинчиси майдонга туша олмади. Шундай бўлса-да, ҷарм тўп усталаримиз илк бор ўнда кечибозларни ўтказиб кетадиги кучли таркиба баҳс юртимидар: Нестеров, Муллажонов, Ҳасанов, Жўраев, Ҳайдаров, Копадзе, Ахмедов, Желапов, Турсунов, Гейнрих, Бакоев. Яны таркибида бироз ўзгаришлар амалга оширилиб, Карпенко ўрнига Муллажонов, Шацких ўрнига эса чемпионатда илк бор Улуғбек Бакоев майдонга тушди.

Биринчи бўлимда жамоалар эҳтиёткорона тарзида тўп суринди. Фақат Гейнрихнинг ўзоқдан турбি берган буркам зарбасини дарвозабон катта қийинлик билан қайтарган бўлса, яна бир бор худди шу футбольчимизнинг чамаси 7 метрдан берган зарбасини Шафи зўр маҳорат билан бартараф этди. Ўз навбатида Нестеров ҳам рақибларнинг жарима тўли орқали жуда кучли зарбасини қайтара олди. Шу таркиб биринчи

Шу таркиб футbolchilarimiz ilk bor kirta qatnatish xukukini kulg'a kiritingdilar.

Колган ўйинлар жудa keksin va murasasiz kechi. Қатар-Япония беллашувida иккى марта майдон эгалари xisobda oлдинga chiqib olgan bўlsalar-da, raqiblar vaziyati tenglashishi. 2-

бўлимда японлар ўн киши билан xarakatlaniши va shunga qaramasdan, sun'ggi daqiqada Inohonning "oltin" zarbasi kunchikar mammakatta galaba kelitiridi — 3:2. Амалдаги Осиё чемпиони Ироқ термаси энг кучли komandalardan biri Avstraliya futbolchilari bilan kuch sinashdi. Butun ўйin davomimida tashabbus avstraliyliklarni tomonida bўlsa-da, iroqliklar xavfli xujumlar yuzshirib turiishi. Biror xar ikkala xamoa "darvazobazonlari" behato yuvaishi.

Асосий вақт 0:0 xisobida turgach, kushimcha vaqt belgilandi. Bunda 118-dakika Garri Kiyel (Avstraliya)ning boishi bilan bergan aniq zarbasi yashil kirta vakkilari kichik xisobda galaba keltiridi va yarim finalga yil ochdi.

Нижоят Жанубий Корея — Эрон беллашувida ҳам асосий ваqt davomimida xisob очilmadi. Faqat kushimcha vaqt boшlariда kor'eis futbolchilari kiritigan gol yanogaligiga koldi va ular kirtvanning turtqa eng kuchi jamoasi qatoridan urin oliishi.

Шундай қилиб, 25 yanvar kuni yarim final учрашувlari utkaziladi. Unda yortoshlarmiz Avstraliya termasiga қарси baҳs юртса, ikkinchi yuvinda Yaponiya va Janubiy Koreya futbolchilari mайдонiga tushadi. Buz terma jamoamizning tobora oshili boraettan yuvin va boш murabbiy Vadiim Abramovnинг ҳар bir yuvinga okiloda taktika tanlay bilish kobilishiyatini xisobda olgan ҳolda charm tўp ustalarimizga Avstraliya bilan учрашuvda omad tilab қolamiz.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Қатралар

ОҚЛИК

Нури опа коронгу тушмасдан тезрок сигир соғишига тушди. Шошганидан пакирнинг тагида ярим косача сув борлиги кейинроқ эсига тушди. «Бу сут ўзимизга бўлувадери. Бирорга-чи бербай бўлмайди», кўнглигига таскин берди опа. Аксига олиб шу тозига личишига олдиш билан сут сўраб чиқди. Идиш ичидан пул.

— Сутга эрталаб чиқкин, — болани изига қайтириб ўюбрди опа.

Бундан хабардор кўзи Гулсум онасини «пишиклик»-да айлади. «Ҳозир сокфарнинг изиздан берсангиз бўларди», дей тўнғиллади.

— Бу сутдан бербай бўлмайди, — деди опа.

— Вой, нега энди?

— Пакирнинг тагида жиндеккина сув борлигини сезмай устига сога-верибман. Сув кўшилган сутни бирорга бериш гуноҳ. Сут оқлик дей-илган. Аллоҳ берган оқликка тўғрилик, поклик лозим.

— Ундан бўлса эрталаб согсангиз берасиз-а, синфодшимга.

Гулсум онасини тушунмай «пишиклик»-да айлаганига ўзидан хафа бўлди. Онасининг бағри кенг, кўнгли эса оқликда беbugorligiga koyildi.

АРЧА

Арча кояни ёриб чиқши билан бепоён юксакликни кўрди. Дўл, жалаларнинг тасир-тусири, булутлар лашкирининг дағдағасига кўниги ўйди, чиниди. Шундандикан, табиат ҳамиши баҳор-ёшликни ҳада этди унга. Қишида ҳам кўм-кўк, ёзда ҳам. Хатто умрлар кузини эслатувчи ханорезги кузда ҳам ям-яшил...

Арчани суюб, ўзоззабд ўйимиз тўрига кўяшимиз. Қанча йил яшагани ҳаёлга ҳам келмас экан, навирон, кўм-кўлигига дилда ҳавас, яшилиги ичидан тарағлан шульалар кўнгиллардаги ғам, гина-кудратларни кувади. Умримизнинг узоқ бўлиши даъват этади, мададкор бўлади.

Шундай экан, арчанинг дилларга баҳш этган руҳий озиғи мевали даражатларнинг энг ширин меваси каби

намоён эмасми?

СОВУҚ

Дала ё кирда ёлғиз қолсан изиринга бўш келмайман. Ху-хулаб кўлларимни бир-бираiga ишқайман. Совуққа олдирмайман. Югурсам тоннапаримдан ўт чақнаёттандек. Лола гули — юзимдан бугланбид тер силкайди. Изигирининг бундан гўё бахиллиги ошиб чинқириб увлалайди. Демак мен голиб. Кўнглимда ёзда гидропараси иликлик, яйшади.

Эртасига бир одамнинг тунг совуқ сўзидан қалбим чунон музлайди, кўксими худди каттакон муз эша бозлади. Танимда фалат оғридан сим, сим... Конларимни гуптиририб қўлган ҳаракатим ҳам, кўёшнинг тафти ҳам оғриқа таъсиз.

Бирдан-бир чора — меҳри оловлар багрига ураман ўзимни. Шуларнинг юнан, меҳри тафтидан кўксимдаги муз эрайди. Енгил тортаман. Бор бўлсин тогдек таянч, ширин сўзлар, дўстларимнинг меҳр олови.

Фани АБДУЛЛАЕВ

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва аҳборот
бошқармасида 02-1-рақам
билин рўйхатга олининг.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет ўсулида босилади.
4848 нусада босилади.
Котоз бичими А-2

Оз-оз ўғланиб домо бўяуғ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ТЎҒРИЛИК ВА ЭГРИЛИК ҲАҚИДА

Дили бўшнинг тили бўш.

Дили тўғрининг тили тўғри.

Ёлғон айтиб, фойда кўрсанг,
Охири зарар топарсан.
Рост айтиб, зарар кўрсанг,
Охири фойда топарсан.

Ёлғончига кўшилма,
Рост сўзингни яшимра!

Инсоф сари барака.

Инсофсизга эрк берсанг, элни талар.

Йўлдан озган — тояди.
Одамнинг дили билан
тили бир бўлсин.

Оқ кўнгилликнинг юзи ёруғ.

Ҳақ — жойига қарор топади.

Тўғри бўлсанг, бехавотир бўласан.

Тўғри бўлсанг, ўсиб бориб
гул бўласан,
Эгри бўлсанг, ўсиб бориб
кул бўласан.

Тўғри гапнинг тўқмоғи бор.

Тўғри дарахтнинг сояси
ҳам тўғри тушади.

Тўғрининг сояси ҳам тўғри.

Тўғри одам эгри сўздан ор қилур.

Тўғри сўз аччик бўлар.

Тўғри сўз бош ёрап.

Тўғри сўзга тўсиқ йўқ.

Тўғри сўз тукқанинга ёқмас.